

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА
БЕРУВЧИ PhD.05/30.09.2022.Qx.152.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

МУҚИМОВ БАХРИДДИН БАХТИЁРОВИЧ

**ИНДАУ (*ERUCA SATIVA* MILL.) НИНГ МОРФОБИОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИГА
ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИШ**

06.01.06 – Сабзавотчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Қишлоқ хўжалиги фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)
диссертация автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
по сельскохозяйственным наукам

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)
on agricultural sciences

Муқимов Бахриддин Бахтиёрлович Индау (<i>Eruca sativa</i> Mill.) нинг морфобиологик хусусиятлари ва уни Ўзбекистон шароитига интродукция қилиш.....	3
Муқимов Бахриддин Бахтиярович Морфобиологические особенности индау (<i>Eruca sativa</i> Mill.) и его интродукция в условиях Узбекистана.....	19
Mukimov Bakhriddin Bakhtiyorovich Morphobiological features of the Indau (<i>Eruca sativa</i> Mill.) and its introduction in the conditions of Uzbekistan.....	35
Эълон қилинган ишлар рўйхати Список опубликованных работ List of published works	38

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖА
БЕРУВЧИ PhD.05/30.09.2022.Qx.152.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**САБЗАВОТ, ПОЛИЗ ЭКИНЛАРИ ВА КАРТОШКАЧИЛИК
ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ**

МУҚИМОВ БАХРИДДИН БАХТИЁРОВИЧ

**ИНДАУ (*ERUCA SATIVA* MILL.) НИНГ МОРФОБИОЛОГИК
ХУСУСИЯТЛАРИ ВА УНИ ЎЗБЕКИСТОН ШАРОИТИГА
ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИШ**

06.01.06 – Сабзавотчилик

**ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ
(PhD) ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2023

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.2.PhD/Qx791 рақам билан рўйхатга олинган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий тадқиқот институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз тилида (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.sabpkiti@iim.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyo.net) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:	Арамов Музаффар Хошимович, қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор
Расмий оппонентлар:	Дусмуратова Саодат Исмаиловна қишлоқ хўжалиги фанлари доктори, профессор Хуррамов Улугбек Холмаматович қишлоқ хўжалиги фанлари фалсафа доктори, доцент
Етакчи ташкилот:	Ўсимликлар генетик ресурслари илмий-тадқиқот институти

Диссертация ҳимояси Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.05/30.09.2022.Qx.152.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2023 йил «__»____, соат__ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111106, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Кўксарой а/б СПЭваКИТИ. Тел: (+99878) 226-85-03; факс: (+99878) 226-85-03; e-mail: savzavot_info@umail.uz).

Диссертация билан Сабзавот, полиз экинлари ва картошкачилик илмий-тадқиқот институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____-рақами билан рўйхатга олинган (Манзил: 111106, Тошкент вилояти, Тошкент тумани, Кўксарой а/б СПЭваКИТИ. Тел:(+99878) 226-85-03;

Диссертация автореферати 2023 йил «__» _____куни тарқатилди.
(2023 йил «__ « _____даги _____ - рақамли реестр баённомаси).

Р.А.Низомов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш раиси, к.х.ф.д., профессор

Ф.Ф.Расулов
Илмий даража берувчи илмий кенгаш илмий котиби, к.х.ф.ф.д., катта илмий ходим

А.Ж.Шокиров
Илмий даража берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.х.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёнинг кўплаб мамлакатларида индау (*Eruca sativa* Mill.) ўсимлигини салатбоп ва мойли экин сифатида етиштиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Жумладан Россия федерацияси, Италия, Франция, Германия, Исроил, Америка қўшма штатлари ва Канада давлатларида уни салатбоп сабзавот экин сифатида етиштирилаётган бўлса, Миср, Покистон ва Ҳиндистонда эса уни мойли экин сифатида кенг майдонларда етиштирилмоқда. Бу экин дунёнинг турли мамлакатларида турлича (эрука, рукола, ракета, arugula, rauke ва бошқа) номлар билан номланади. Хусусан Италияда рукола номи билан етиштирилиб ундан 200 дан ортиқ салат турларини тайёрлашда фойдаланилади. Индау ўсимлиги таркиби жиҳатидан жуда бой ўсимлик ҳисобланиб уни республикамиз шароитига интродукция қилиш долзарб ҳисобланади.

Кейинги йилларда дунёнинг ривожланган мамлакатларида индау сингари барги истеъмол қилинадиган, «сарик-яшил» деб номладиган сабзавотларни етиштиришга ва экспорт қилишга катта эътибор берилмоқда. Бу борада Буюк Британия етакчилик қилаётган бўлса кейинги ўринларни Италия, Франция, Испания, Германия ва Португалия давлатлари эгалламоқда. Кўплаб илмий тадқиқотлар сарик-яшил сабзавотларнинг инсон ҳаёти тонусини юқори даражада ушлаб туриш ва уни касалликлар, айниқса юқумли касалликларга чидамлилигини оширишдаги аҳамияти жуда катта эканлигини тасдиқлади. Бу уларнинг таркибида катта миқдорда провитамин А-каротин борлиги билан изоҳланади. Шу билан бир қаторда сарик-яшил деб номладиган сабзавотлар турли оилаларга мансуб бўлсада совуққа чидамлилиги, турли тупроқ шароитларида ўса олиши билан бир-бирига жуда яқин бўлиб, уларнинг кўпчилиги ҳали бошқа сабзавотлар пишиб улгурмаганда, эрта баҳорда истеъмол қилишга тайёр бўлади. Жумладан индау ҳам шу сабзавотлар гуруҳига кириб уни интродукция қилиш республикамиз аҳолисининг куз, қиш, баҳор мавсумларида сабзавотларга бўлган таълабини қондиришда муҳим аҳамият касб этади.

Республикамизда кейинги йилларда аҳолининг озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш, сабзавот маҳсулотларига бўлган талабини тўла қондириш, қишлоқ хўжалигини диверсификация қилиш, ер-сув ресурсларидан янада оқилона фойдаланиш, экспортбоп маҳсулотлар етиштириш ҳажмини кўпайтириш орқали деҳқон ва фермер хўжалиklarининг даромадини ошириш борасида кенг қамровли чоратадбирлар амалга оширилмоқда. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январида ПФ-60-сонли «2022-2026 йилларда янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси»¹ тўғрисидаги фармонида белгилаб

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январида “2022-2026 йилларда янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси” тўғрисидаги ПФ-60-сонли Фармони <https://lex.uz/docs/5841063>

берилган 3 устувор йўналиши 30 мақсадида «Қишлоқ хўжалигини илмий асосда интенсив ривожлантириш орқали деҳқон ва фермерлар даромадини камида 2 баравар ошириш, қишлоқ хўжалигининг йиллик ўсишини камида 5 фоизга етказиш» вазифаси кўйилган. Юқоридагилардан келиб чиқиб таркибида бир қатор биологик фаол моддалар, антиоксидант селенни ва биологик йодни шу билан биргаликда макро ва микроэлементларни кўп сақлайдиган ноъананавий экинлардан бири индау (*Eruca sativa* Mill.) ўсимлигини интродукция қилиш республикамизда сабзавот экинлари ассортиментини кўпайтиришга ҳамда аҳолининг йод элементига бўлган талабини қондиришда муҳим аҳамият касб этади ва бугунги куннинг энг долзарб вазифаларидан бири ҳисобланади.

Мазкур диссертация доирасида олиб борилган тадқиқотлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 29 мартдаги ПФ-5388 «Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ги сонли фармони ², Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 11 декабрдаги ПҚ-4549 «Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора тадбирлар тўғрисида» ги сонли қарори³ ва 2021 йил 15 декабрдаги ПҚ-52-сонли «Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида» ги қарорлари⁴ ва мазкур соҳага тегишли меъёрий – ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур диссертация тадқиқоти фан ва технологиялар ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Индау ўсимлиги бўйича хорижий мамлакатларда кўплаб илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Жумладан Россия Федерациясида Е.Н.Синская, А.Н.Папонов, В.Н.Ширинкин Ж.В.Куршева, В.А.Лудилов, М.И.Иванова, Г.Н.Циунель ва К.Б.Бербековлар томонидан индауни очиқ ва ҳимояланган майдонларда экиш орқали унинг экиш муддатлари, экиш схемаси ҳамда уруғчилик технологияси комплекс ўрганилган ва интродукция қилинган. Г.К.Низова, Н.Г.Конькова, Т.К.Головко М.А.Левинский, В.Н.Сычев, О.Б.Сигналов, К.М.Сытник,

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 29.03.2018 й. ПФ-5388-сон "Ўзбекистон Республикасида мева-сабзавотчиликни жадал ривожлантиришга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Фармон <https://lex.uz/docs/3604601>

³ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 11.12.2019 й. ПҚ-4549-сон "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик тармоғини янада ривожлантириш, соҳада кўшилган қиймат занжирини яратишга доир кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори <https://lex.uz/docs/4641164>

⁴ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 15.12.2021 й ПҚ-52 сон "Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора тадбирлари тўғрисида" ги Қарори <https://lex.uz/uz/docs/5774700>

В.С.Филимоновлар томонидан эса унинг барги ва уруғи таркибидаги кимёвий элементлар аниқланиб унинг дориворлик хусусиятлари ва халқ хўжалигидаги аҳамияти ўрганилган. Европалик олимлар F.Nuer, J.E.Hernander-Bermejo томонидан индау мойининг таркибида кўп миқдорда эрука кислотаси борлиги аниқланган. Ҳиндистонлик олимлар P.S.Samar, O.P.Rajput, P.L.Maliwal томонидан экиш схемаси ўрганилган, R.P.Jangir, S.L.Sharma, M.M.Dubeулар томонидан эса азотли ва фосфорли ўғитларни қўллашнинг индау уруғчилигига таъсирини ўрганишган. Мисрлик олимлар M.Morales ва J.Janicлар томонидан эса индау селекцияси бўйича илмий тадқиқот ишлари олиб борилган.

Бироқ, мамлакатимизда индау бўйича илмий-тадқиқот ишлари умуман амалга оширилмаган. Шулардан келиб чиққан ҳолда республикамизда истеъмол қилинаётган сабзавотлар ассортиментини кўпайтириш мақсадида таркибининг қимматлилиги ва дориворлиги билан ажралиб турадиган, кам тарқалган сабзавотлардан бири индауни Ўзбекистон шароитига интродукция қилиш, унинг истиқболли навларини танлаш ва яратиш, мақбул экиш муддатлари ва схемаларини аниқлаш, уруғлик ўсимликларининг етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш бўйича илмий тадқиқот ишларини олиб бориш илмий ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим ёки илмий-тадқиқот муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Мазкур диссертация тадқиқоти Сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий тадқиқот институти илмий тадқиқотлар режасининг №ҚХ-А-ҚХ-2018-130 «Ўзбекистон жанубида сабзавот экинларининг касаллик ва зараркунандаларга чидамли, серҳосил нав ва F₁ дурагайлари яратиш ва уруғчилик технологияси элементларини ишлаб чиқиш» (2018-2020 й.й.) амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади индаунинг нав намуналари тўпламини ўрганиш ва истиқболлиларини ажратиш, уларни Ўзбекистон шароитига интродукция қилиш, етиштириш ва уруғчилик технологиясининг асосий элементларини ишлаб чиқишдан иборат

Тадқиқотнинг вазифалари қуйидагилардан иборат:

индау нав намуналари тўпламини ўрганиш ва истиқболли навларни ажратиш;

индаунинг баҳорги ва кузги мавсумда мақбул экиш муддатларини аниқлаш;

индаунинг баҳорги ва кузги мавсумда мақбул экиш схемасини аниқлаш;

баҳорги ва кузги мавсумда индау уруғлик ўсимликларининг экиш муддатини аниқлаш;

баҳорги ва кузги мавсумда индау уруғлик ўсимликларининг экиш схемасини аниқлаш;

Тадқиқотнинг объекти сифатида Россия Федерациясидан келтирилган 10 та нав намуналари, уларнинг ўсимликлари, барглари, уруғлик ўсимликлари, кўзоғи, уруғларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг предмети индау нав намуналарини ҳар томонлама ўрганиш ва истиқболли навларини ажратиш, 4 та баҳорги ва 4 та кузги экиш муддатлари, 4 та кузги ва баҳорги мавсумларда экиш схемалари, уруғлик ўсимликларни баҳорги 1 та ва кузги 4 та экиш муддатлари, уруғлик ўсимликларни 4 та экиш схемаси ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар қуйидаги услублар ва услубий кўрсатмалар асосида олиб борилди: «Методика полевого опыта в овощеводстве» (2011); ОСТ 4671-78 (Делянки и схемы посева в селекции, сортоиспытании и первичном семеноводстве) (1979); «Методические указания по экологическому испытанию овощных культур в открытом грунте» (1987), «Руководство по апробации овощных культур и коромовых корнеплодов» (1982), «Методика государственного сортоиспытания сельскохозяйственных культур» (2019; 4-қисм). Тадқиқот натижаларининг статистик таҳлили «Excel 2010» ва «Statistica 7.0 for Windows» компьютер дастурларида, 0,95% ишончлилик оралиғи билан Б.А.Доспеховнинг «Методика полевого опыта» (1985) услуги бўйича ҳисобланган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон шароитида индаунинг 10 та нав намуналари баҳорги ва кузги мавсумларда ўрганилган ва шундан 5 та нав намунаси истиқболли навлар сифатида ажратилган;

баҳорги мавсумда 4 та, кузги мавсумда 4 та экиш муддатларида экиб ўрганилган ва баҳорги мавсум учун 1-март, кузги мавсум учун 10-сентябрь энг мақбул экиш муддатлари эканлиги аниқланган;

маҳсулот етиштириш учун баҳорги ва кузги мавсумда 4 хил экиш схемаларида экиб ўрганилган ва энг мақбул экиш схемаси (50+20):2x5 см эканлиги ҳамда унинг хўжалик муҳим белгиларининг намоён бўлиши ва ўзгарувчанлиги аниқланган.

индау уруғлик ўсимликларини етиштириш учун кузги мавсумда 10.09, 20.09, 30.09, 10.10 саналарда, баҳорги мавсумда эса 01.03 санасида экиб ўрганилган ҳамда энг мақбул экиш муддати баҳорги мавсумда 1-март, кузги мавсумда эса 10-сентябрь эканлиги аниқланган;

индау уруғчилик технологиясини ўрганиш учун баҳорги ва кузги мавсумда 70x20, 70x25, 70x30, 70x35 см схемаларда экиб ўрганилган ва энг мақбул экиш схемаси 70x20 см эканлиги аниқланган ҳамда уруғлик ўсимликларнинг хўжалик муҳим белгиларининг намоён бўлиши ва ўзгарувчанлиги аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

илк бор Ўзбекистон шароитида индау экини интродукция қилинган ва етиштириш учун истиқболли навлари тавсия этилган;

индау экинини баҳорда 1-мартда ва кузда 10-сентябрда экиш мақбул муддатлар эканлиги аниқланган;

маҳсулот етиштиришда индау экинини мақбул экиш схемаси (50+20):2x5 см эканлиги аниқланган;

индау экинининг уруғчилик технологиясининг айрим элементлари ишлаб чиқилган. Хусусан, уруғлик ўсимликларни 10 сентябрда 70x20 см схемада экилганда энг юқори уруғ ҳосилдорлиги кузатилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ҳар йили дала тажрибаларининг апробациядан ўтказилганлиги, илмий ҳисоботларнинг институт илмий кенгашларида муҳокама қилинганлиги, тажриба натижалари маълумотлари математик ва статистик таҳлил қилинганлиги, янги нав ва уни етиштириш технологиясини ишлаб чиқаришга жорий этилганлиги, тадқиқот натижаларининг республика ва халқаро илмий-амалий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, диссертация ишининг асосий илмий натижалари илмий журналларда мақолалар чоп этилганлиги билан изоҳланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти индау нав намуналари тўплами турли муддат ва мавсумларда ҳар томонлама ўрганилганлиги ва истиқболли навлар ажратилганлиги, турли экиш муддатлари ва озикланиш майдонларида хўжалик муҳим белгиларининг намоён бўлиши аниқланганлиги, турли мавсум ва озикланиш майдонларида уруғлик ўсимликларни маҳсулдорлиги аниқланган ва уруғларнинг экинбоплик хусусиятлари аниқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти индаунинг истиқболли Виктория, Корсика, Сицилия, Рококо, Аромат, Римские каникулы, навлари ажратилганлиги ва Сицилия навидан якка танлаш ва авлодини ўрганиш асосида Л-С/2020 линияси яратилганлиги, юқори сифатли маҳсулот ва уруғ етиштириш учун мақбул экиш мавсумлари ва муддатлари, экиш схемалари ишлаб чиқилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Индау (*Eruca sativa* Mill.)нинг морфобиологик хусусиятлари ва уни Ўзбекистон шароитига интродукция қилиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар илмий натижалари асосида:

Индаунинг истиқболли нав намуналаридан баҳорги ва кузги муддатда юқори кўк масса олиш учун Виктория, Корсика, Сицилия навларини баҳорда 1 март, кузда 10 сентябрда экиш муддатлари Бандихон тумани «Навбаҳор нур пахтакор», «Чинор бургути», «Бандихон чинорбулок» фермер хўжаликларида жами 1,85 гектар майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 21 декабр № 02/029-5088 маълумотномаси). Натижада олинган маҳсулотни реализация қилишдан гектаридан ўртача 11 520-14 543 минг сўм соф даромад ва 56,3-61,4 % рентабелликка эришилган;

индаунинг истиқболли Сицилия навини 70:2x5 см схемада экиш технологияси Термиз тумани «Сурхон сабзавод хондамир» фермер хўжалигида 0,3 га майдонда жорий қилинган ва маҳсулот олиш учун (50+20):2x5 см схемада, уруғчилик мақсадларида эса 70x20 см схемада экиш технологияси СПЭваКИТИ Сурхондарё илмий тажриба станциясида 0,3 гектар майдонда жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 21 декабр № 02/029-5088 маълумотномаси).

Натижада гектаридан ўртача 35,7 тонна сифатли ҳосил олинган ва 26 487 минг сўм соф даромад олинган ҳамда 66,5% рентабелликка эришилган;

истиқболли Сицилия нави Термиз тумани «Янгиариқ томорқа хизмат» фермер хўжалигида ҳам 0,4 га майдонга жорий этилган (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 21 декабр № 02/029-5088 маълумотномаси). Натижада ушбу навадан ўртача 30 т/га ҳосил олинди 28 471 минг сўм соф даромад олишга эришилган. Рентабеллик даражаси эса 134,0 % ни ташкил этганлиги аниқланган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та, жумладан 3 та республика ва 2 та халқаро илмий амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та мақола чоп этилган. Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларни асосий илмий натижаларини чоп этиш учун тавсия этилган илмий нашрларда 7 та, жумладан 2 та хорижий 5 та республика журналларида чоп этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация ҳажми 118 бетдан иборат бўлиб, у кириш, 4 та боб, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан ташкил топган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация ишининг долзарблиги ва зарурати асосланган, диссертация мавзусининг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига, илмий-тадқиқотлар режаларига мослиги кўрсатилган, мавзу бўйича халқаро илмий-тадқиқотлар шарҳи ва мавзунинг ўрганилганлик даражаси, тадқиқот мақсади ва вазифалари шакллантирилган, тадқиқот объекти ва предмети келтирилган, илмий янгилиги, амалий натижалари ва уларнинг ишончлилиги, тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти, жорий этиш тўғрисидаги маълумотлар, тадқиқот натижаларининг чоп этилганлиги, диссертациянинг ҳажми ва таркиби баён этилган.

Диссертациянинг **«Индаунинг келиб чиқиши, тарқалиши, классификацияси, морфобиологик тавсифи, навлари, етиштириш технологияси»** деб номланган биринчи бобида индаунинг келиб чиқиши, тарқалиши, классификацияси тўғрисида адабиётлар шарҳи келтирилган. Ушбу бобда чет эллик олимларнинг маълумотларига асосланиб индау ўсимлигининг морфобиологик тавсифи, дунёнинг турли минтақаларида уни етиштириш технологияси, жумладан экиш муддатлари ва схемалари, очиқ ва ҳимояланган майдонларда етиштиришнинг ўзига хос хусусиятлари, кенг тарқалган навлари ва уларнинг тавсифи тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ўтказиш шароити, объекти ва услублари»** деб номланган иккинчи бобида диссертация мавзуси юзасидан дала тажрибалари ўтказилган жойнинг тупроқ-иклим шароити, тадқиқот

мақсади, вазифалари, объекти ҳамда тажрибаларни ўтказиш услублари таърифланган. Ушбу бобда тадқиқотлар мавзуси юзасидан ҳар бир тажрибани ўтказилиш усуллари, дала тажрибаларини олиб бориш тартиби, тажриба майдончасидаги ниҳолларнинг ўсиши ва ривожланишини ўрганишда қўлланилган фенологик кузатувлар ва биометрик ҳисоблар, тажриба маълумотларига математик ва статистик ишлов бериш тартиби баён этилган.

«Индау навларини танлаш ва етиштириш технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган учинчи бобининг «Индау нав намуналари тўпламини баҳорги муддатда ўрганиш» бўлимида 10 та нав намуналарини баҳорги муддатда (01.03) ўрганиш натижалари келтирилган (1-жадвалга қаранг). Индау ўсимлиги маҳсулдорлиги навга ва об-ҳаво шароитига қараб жуда ўзгарувчан бўлади. Хусусан, Виктория нави маҳсулдорлиги 2018 йилда 98,4 г ни, 2019 йилда 103,2 г ни, 2020 йилда эса 124,6 г ни ташкил этди. Бу ўртача 3 йилликка нисбатан олганда мувофиқ равишда 90,5 %, 94,9 %, 114,6 % ни ташкил этади.

Тадқиқот йилларида баҳорги экиш муддатида энг юқори умумий ҳосилдорлик Виктория, Сицилия, Рококо, Корсика, Акропол, Римские каникулы нав намуналарида кузатилди ва у 2,6-3,1 кг/м² ни ташкил этди. Сакроменто, Аромат ва Гурман навларида ҳам ҳосилдорлик бироз юқори бўлиб 2,3-2,4 кг/м² ни ташкил этди (1-жадвалга қаранг). Барг сони, битта ўсимлик маҳсулдорлиги каби ҳосилдорлик нав ва йилга қараб ҳар хил бўлди.

Аммо, Виктория, Сицилия навларида йиллар бўйича ҳосилдорлик деярли бир хил бўлди.

1-жадвал

Индау нав намуналарининг баҳорги муддатдаги ҳосилдорлиги ва хўжалик муҳим белгиларининг намоён бўлиши (2018-2020 й.й.)

Индау нав намуналари	Барг			Ҳосилдорлик, кг/м ²
	сони, ўсимлик/дона	узунлиги, см	эни, см	
Виктория	41,7	20,7	7,3	3,1
Корсика	38,2	19,7	6,5	2,7
Сицилия	36,8	19,1	6,9	3,0
Акропол	44,4	18,7	7,5	2,9
Римские каникулы	41,0	18,0	7,0	2,6
Сакроменто	35,3	17,9	7,2	2,4
Санремо	51,3	17,9	7,1	2,0
Аромат	30,4	17,7	7,1	2,3
Рококо	36,8	17,4	6,7	3,0
Гурман	30,4	17,1	7,1	2,3
∑X	386,3	184,2	70,4	26,3
\bar{x}	38,6	18,4	7,0	2,63

Бу ушбу навларни ҳам ишлаб чиқариш учун, ҳам селекция ишлари учун анча қимматли эканлигидан далолат беради. Шундай қилиб, индау нав


намуналарини ўрганиш асосида баҳорги муддатда хўжалик муҳим белгилари ва ҳосилдорлиги жиҳатидан истиқболли бўлган Виктория, Сицилия, Рококо, Акропол, Корсика нав намуналари ажратилди.

Ушбу бобнинг «Индау нав намуналарини кузги муддатда ўрганиш» бўлимида юқоридаги 10 та навнинг кузги (10.09) муддатда экиб синаш натижалари келтирилган. 2018-2020 йиллар давомида энг маҳсулдор нав намуналари Виктория (222,3 г/ўсимлик), Акропол (234,0 г/ўсимлик), Римские каникулы (203,6 г/ўсимлик), Аромат (195,8 г/ўсимлик) бўлиб ҳисобланади.

Учинчи бобнинг «Индау ўсимлигининг баҳорги мақбул экиш муддатларини аниқлаш» бўлимида 01.03; 10.03; 20.03; 30.03 муддатларда ўрганиш натижасида индау ўсимлигининг баҳорги мавсумда мақбул экиш муддатлари аниқланганлиги тўғрисида маълумотлар келтирилган. Экиш муддатлари ривожланиш даврларининг давомийлигига сезиларли даражада таъсир этмади. Шу билан бирга хўжалик муҳим белгилардан бири битта ўсимликдаги барг сони биринчи муддатда ўртача 44,5 дона барг ҳосил бўлган бўлса, охириги- тўртинчи муддатда у 11,4 донани ташкил этди ёки биринчи муддатга нисбатан 25,5% ни ташкил этди. Баҳорги экиш муддатларида ўсимлик маҳсулдорлиги биринчи муддатдан тўртинчи муддатга қараб камайиб борди. Биринчи муддатда ўсимлик маҳсулдорлиги 116,2 г/ўсимликни ташкил этган бўлса, иккинчи муддатда у 79,2 г/ўсимлик бўлди ва биринчи муддатга нисбатан 68,2% ни ташкил этди. Тўртинчи муддат, яъни 30 мартда уруғ экилганда ўсимлик маҳсулдорлиги 31,8 г/ўсимлик ёки биринчи муддатга нисбатан 27,4%ни ташкил этди. Индау ўсимлигининг ҳосилдорлиги ҳам баҳорги экиш муддатларига қараб турлича бўлди. Энг юқори ҳосилдорлик тажрибанинг 1 вариантыда, яъни уруғлар 1 мартда экилганда олинди. Ушбу вариантда индау ўсимлиги ҳосилдорлиги 3,3 кг/м² ни ташкил этди. Экиш муддатлари кечиккан сари ҳосилдорлик пасайиб борди. Иккинчи муддатда ҳосилдорлик биринчи муддатга нисбатан 33,3%, учинчи муддатда -51,5%, тўртинчи муддатда 72,3% ни ташкил этди. Шундай қилиб индауни баҳорги энг мақбул экиш муддати 1 март санаси ҳисобланади.

Учинчи бобнинг «Индау ўсимлигининг кузги мақбул экиш муддатларини аниқлаш» бўлимида кузги тўртта: 10.09; 20.09; 30.09; 10.10 муддатларда индау экинини ўрганиш натижалари келтирилган. Кузги экиш муддатлари индау ўсимлигининг ривожланиш даврлари давомийлигига сезиларли даражада таъсир этди. Экиш муддатлари кечиккан сари ривожланиш даврларининг давомийлиги ошиб борди. Экишдан кўчатларнинг ёппасига униб чиқишигача I-III вариантда 3 кун талаб этилган бўлса, IV вариантда ушбу даврнинг давомийлиги 6 кунни ташкил этди. Ёппасига униб чиққандан ҳосилнинг техник пишишигача бўлган давр биринчи вариантда 31 кунни ташкил этган бўлса, кейинги вариантларда 19-23 кунга узайиб, 50-54 кунни ташкил этди. Тадқиқот натижаларига кўра битта ўсимликда энг кўп барг биринчи вариант ўсимликларида кузатилди ва у 80,8 дона/ўсимликни ташкил этди. Ана шу биринчи вариантга нисбатан барг сони иккинчи вариантда 73,0% ни, учинчи вариантда 57,2% ни, тўртинчи вариантда эса

44,3% ни ташкил этди. Экиш муддатлари кечиккан сари ўсимликдаги барг сони ҳам кескин камайди.



1-расм. Индаунинг кузги турли муддатлардаги ҳосилдорлиги, кг/м² (2018-2020 й.й).

Тадқиқотлар кузги экиш муддатларида индау экинининг ҳосилдорлиги юқори бўлишини кўрсатди (1-расмга қаранг). Тадқиқотлар натижасида кузги мавсумда индау уруғларини 10 сентябрда сепиш мақсадга мувофиқлиги аниқланди. Ушбу экиш муддатида индаунинг барглари сони кўп, улар нисбатан энли ва узун бўлиб шаклланади ва пировардида юқори ҳосил олишни таъминлайди.

Ушбу бобнинг «Индау ўсимлигининг мақбул озикланиш майдонини аниқлаш» бўлимида баҳорда 1 мартда ва кузда 10 сентябрда индауни қуйидаги тўртта: (50+20):2x5; (50+20):2x10, (50+20):2x15, (50+20):2x20 см экиш схемаларда ўрганиш натижалари келтирилган. Экиш схемалари баҳорда ҳам, кузда ҳам битта ўсимликдаги барг сони, баргнинг узунлиги ва эни каби кўрсаткичларга сезиларли даражада таъсир қилди. Баҳорда энг кўп барглари сони иккинчи вариант ўсимликларида қайд этилди ва у 44,5 дона/ўсимликни ташкил этди. Биринчи вариант ўсимликларида ушбу кўрсаткич 28,3 дона/ўсимликни ташкил этди ва бу иккинчи вариантга нисбатан 63,6% демакдир. Учинчи вариант ўсимликларида 31,2 та ва тўртинчи вариант ўсимликларида 33,1 та барг ҳосил бўлди ва бу иккинчи вариантга нисбатан мувофиқ равишда 70,1 ва 74,4% ни ташкил этди.

Кузги муддатда ҳам энг кўп барглари иккинчи вариант ўсимликларида кузатилди ва у 82,1 дона/ўсимликни ташкил этди. Биринчи вариант ўсимликларида ушбу кўрсаткич 63,8 дона/ўсимлик бўлиб ва бу иккинчи вариантга нисбатан 77,7% ташкил этди. Учинчи вариант ўсимликларида 55,8 та ва тўртинчи вариант ўсимликларида 46,3 та барг ҳосил бўлди ва бу иккинчи вариантга нисбатан мувофиқ равишда 70,0 ва 56,4% ни ташкил этди. Тадқиқотлар кузги муддатда баҳоргига нисбатан индау ўсимликлари кўп барг ҳосил қилишини кўрсатди. Энг кўп барг ҳосил қилган иккинчи вариант ўсимликларида баҳорда 44,5 та барг ҳосил бўлган бўлса, кузда ушбу кўрсаткич 82,1 тани ташкил этди ва бу баҳоргига нисбатан 84,5% кўп демакдир. Баҳорги ва кузги экиш муддатларида энг юқори ҳосилдорлик тажрибанинг биринчи варианты, яъни (50+20):2x5 см схемада экилган вариантда кузатилди (2-жадвалга қаранг). Баҳорда I-вариантда ҳосилдорлик 3,6 кг /м² ни ташкил этди. Озикланиш майдони катталашини билан қонуният асосида ҳосилдорлик пасайиб борди. Тажрибанинг иккинчи вариантыда,

(50+20):2x10 см схемада экилганда ҳосилдорлик 3,3 кг/м² бўлиб, биринчи вариантга нисбатан 91,7% ни ташкил этди. (50+20):2x15 см ва (50+20):2x20 см схемада экилганда эса ҳосилдорлик биринчи вариантга нисбатан 36,1-47,2% ни ташкил этди. Кузда (50+20):2x5 см схемада экилган биринчи вариантда ҳосилдорлик 8,3 кг/м² ни ташкил этди. Буни гектар ҳисобида ўсимлик сонининг энг кўп бўлганлиги билан изоҳлаш мумкин.

2-жадвал

Турли экиш схемаларининг индау ҳосилдорлиги ва ҳўжалик муҳим белгиларига таъсири (2018-2020 й.й.)

Экиш схемалари	Барг			Ҳосилдорлик кг/м ²
	сони, дона/ ўсимлик	узунлиги, см	эни, см	
Баҳорги муддат				
(50+20):2 x 5 см	28,3	18,1	7,1	3,6
(50+20):2 x 10 см	44,5	17,7	7,5	3,3
(50+20):2 x 15 м	31,2	17,3	7,8	1,7
(50+20):2 x 20 см	33,1	16,3	7,7	1,3
ЭКФ ₀₅				1,4
S _{x%}				1,0
Кузги муддат				
(50+20):2 x 5 см	63,8	19,6	7,0	8,3
(50+20):2 x 10 см	82,1	18,8	7,5	5,9
(50+20):2 x 15 м	55,8	17,3	7,6	2,9
(50+20):2 x 20 см	46,3	17,6	7,5	1,7
ЭКФ ₀₅				1,4
S _{x%}				1,03

Тажрибанинг иккинчи вариантида ҳосилдорлик 2,4 кг/м² га, учинчи вариантида – 5,4 кг/м² га, тўртинчи вариантида эса – 6,6 кг/м² га пасайди. Баҳорги ва кузги экиш муддатларида энг юқори ҳосилдорлик тажрибанинг биринчи, яъни (50+20):2x5 см схемада экилган вариантида кузатилди.

Баҳорда I-вариантда ҳосилдорлик 3,6 кг /м² ташкил этди. Озиқланиш майдони катталашиси билан қонуният асосида ҳосилдорлик пасайиб борди. Тажрибанинг иккинчи вариантида, (50+20):2x10 см схемада экилганда ҳосилдорлик 3,3 кг/м² бўлиб, биринчи вариантга нисбатан 91,7% ни ташкил этди. (50+20):2x15 см ва (50+20):2x20 см схемада экилганда эса ҳосилдорлик биринчи вариантга нисбатан 36,1-47,2% ни ташкил этди.

Учинчи бобнинг «Индау истиқболли навларининг, мақбул экиш муддатлари ва экиш схемасининг иқтисодий самарадорлиги» бўлимида баҳорги экиш муддатида энг юқори иқтисодий самарадорлик Виктория, Корсика, Сицилия, Акропол, Рококо навларида кузатилди. Албатта бу уларнинг юқори ҳосилдорлиги билан чамбарчас боғлиқ бўлди. Ушбу навларни етиштиришдан олинган соф даромад 11672-14732,25 минг сўм/га ни ташкил этди. Рентабеллик даражаси 56,3-61,4% ни ташкил этди.

Кузги экиш муддатида энг юқори иқтисодий самарадорлик Виктория, Сицилия, Акропол, Римские каникулы, навларини етиштиришдан олинди. Ушбу навларни етиштиришдан 56572-75729,8 минг сўм/га соф даромад

олинди. Рентабеллик даражаси са 123,7-127,1% ни ташкил этди. Келтирилган маълумотлардан кўриниб турибдики кузда экилган индау ҳосилдорлиги юқори бўлиб, уни етиштиришдан олинган иқтисодий самарадорлик ҳам кўп бўлди. Баҳорда 1 мартда индаунинг Сицилия нави экилганда энг юқори иқтисодий самара кўрилди. Бунда соф даромад 15392 минг сўм/га ни, рентабеллик даражаси эса 63,6 % ни ташкил этди. Кузда 10, 20 ва 30 сентябрда экиб етиштирилганда юқори иқтисодий самарадорлик кузатилди. Бу экиш муддатларида соф даромад 19 772-50 132 минг сўм/га ни, рентабеллик даражаси 95,4-125,7 % ни ташкил этди.


Экиш схемалари ҳам индау экинини етиштиришнинг иқтисодий самарадорлигига сезиларли даражада таъсир кўрсатди. Баҳорда энг юқори иқтисодий самарадорлик (50+20):2x5 ва (50+20):2x10 см схемаларида етиштирилганда олинди. Бунда соф даромад 17252,25-15468,0 минг сўм/га ва рентабеллик даражаси 66,5-64,1% ни ташкил этди.

Кузги муддатда ҳам энг юқори иқтисодий самарадорлик (50+20):2x5 ва (50+20):2x10 см схемаларида кузатилди. Бундай схемаларда экилганда соф даромад 71292,25-49288,0 минг сўм/га ни, рентабеллик даражаси эса 134,0-125,7 % ни ташкил этди. Тадқиқотлар индау уруғларини 10 сентябрда сепиш ва (50+20):2x5 ва (50+20):2x10 см схемаларида етиштиришнинг иқтисодий самарадорлиги юқори бўлишини кўрсатди.

«Индаунинг уруғчилик технологиясини ишлаб чиқиш» деб номланган тўртинчи бобининг «Индау уруғлик ўсимликларини мақбул экиш муддат, схемасини ва мавсумларини аниқлаш» бўлимида кузги ва баҳорги экиш муддатлари ва схемаларининг индау ўсимлиги уруғ маҳсулдорлигига таъсири тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Баҳорда кўчатларнинг ёппасига униб чиқишидан биринчи чин барг пайдо бўлишигача 9 кун, иккинчи чин барг пайдо бўлишигача 11 кун, ёппасига гул новда чиқаришигача 46 кун, ёппасига гуллашигача 51 кун, уруғларнинг пишиб етилишигача 100 кун талаб этилди. Битта ўсимликда ҳосил бўлган кўзоқлар сонининг экиш схемаларига қараб ўзгариши сезиларли даражада бўлди. 70x20 см схемада 1551 та кўзоқлар ҳосил бўлган бўлса, 70x25 см схемада 1821 та, 70x30 см схемада 2514 та, 70x35 см схемада эса 2483 та кўзоқлар ҳосил бўлди. Биринчи вариантга нисбатан иккинчи вариантда 270 та, учинчи вариантда 963 та, тўртинчи вариантда 932 та кўп кўзоқлар ҳосил бўлди. Бу мувофиқ равишда 117,4%; 162,0%; 160,0% кўп демакдир. Битта ўсимликнинг уруғ маҳсулдорлиги ҳам экиш схемаларига қараб турлича бўлди.

Озиқланиш майдони кичик бўлган вариантларда битта ўсимликнинг уруғ маҳсулдорлиги ҳам кам бўлди. 70x20 см схемада етиштирилган ўсимликларнинг уруғ маҳсулдорлиги 53 г ни ташкил этди. 70x25 см схемада ушбу кўрсаткич 58 г ни ташкил этди. Аммо, 70x30 см схемада ўсимликларнинг уруғ маҳсулдорлиги 75 г ва 70x35 см схемада эса 72 г ни ташкил этди. Бу биринчи вариантга нисбатан 19-22 г ёки 135,8-141,5% кўп демакдир. Шундай қилиб энг кўп уруғ маҳсулдорлиги 70x30, 70x35 см схемаларда экилган ўсимликларда кузатилди.



2-расм. Индаунинг баҳорги муддатда турли экиш схемаларидаги уруғ ҳосилдорлиги, т/га. (2018-2020 й.й.)

Тадқиқотлар Ўзбекистон шароитида индау уруғ ҳосилдорлиги жуда юқори эканлигини кўрсатди. Баҳорги мавсумда энг юқори уруғ ҳосилдорлиги уруғлар 1 мартда ва 70x20 см схемада экилганда олинди. Бунда индау экиннинг уруғ ҳосилдорлиги 1 м² дан 378 г ни ёки гектар ҳисобида 3,8 тоннани ташкил этди (2-расмга қаранг).

Тажрибанинг иккинчи варианты, яъни 70x25 см схемада уруғ ҳосилдорлиги биринчи вариантга нисбатан 86,6% ни, учинчи вариантыда 94,7% ни ва тўртинчи вариантыда 76,3% ни ташкил этди. Бу кўрсаткичлар Ўзбекистон жанубида индау уруғчилигини ташкил этиш жуда катта иқтисодий самара берадиган тадбир эканлигинидан далолат беради. Икки йиллик ва баъзи бир йиллик сабзаёт экинларини уруғлик мақсадида кузда экиш амалиётда кенг қўлланилади. Индауни совуққа чидамлилигини ҳисобга олиб уни тўрт муддатда: 10.09; 20.09; 30.09; 10.10 ва тўртта экиш схемасида: 70x20; 70x25; 70x30; 70x30 см экиб ўрганилди.

Кузги биринчи муддатда ёппасига униб чиққандан уруғларнинг пишиб етилишигача 242 кунни, иккинчи муддатда – 234 кунни, учинчи муддатда 225, тўртинчи муддатда – 213 кунни ташкил этди. Экиш муддатларига қараб индау ўсимлигининг ривожланиш даврларининг ўтиш муддатлари ва давомийлиги турлича бўлди. Экиш схемалари эса бу белгиларга сезиларли даражада таъсир этмади. Экиш муддатлари ва схемалари ўсимлик баландлиги, новдалар сони, қўзоқлар сони, ўсимлик уруғ маҳсулдорлиги каби белгиларнинг намоён бўлишига сезиларли даражада таъсир этади.

Энг юқори уруғ ҳосилдорлиги 70x20 см схемада ва 10 сентябрда экилган вариантда олинди (3-жадвалга қаранг). Ушбу муддат ва схемада 1 м² майдондан 550 г уруғ ҳосили олинди, бу гектар ҳисобига 5,5 т/га ни ташкил этади. Шунга яқин ҳосилдорлик 70x20 см схемада ва 20 сентябрда экилганда (4,5 т/га) ва 70x25 см схемада 10 сентябрда экилганда (4,5 т/га) олинди. Бу кўрсаткичлар Ўзбекистон жанубида индау ўсимлигининг уруғ ҳосилдорлиги жуда юқори эканлигини кўрсатди. Тадқиқотлар Ўзбекистон жануби индау уруғчилигини ташкил этишда катта имкониятларга эга эканлигини ва бу ишни йўлга қўйиш катта иқтисодий самара беришини кўрсатди. Экиш муддатлари кечиккан сари индаунинг уруғ ҳосилдорлиги кескин пасайиб бориши кузатилди. Хусусан, 70x20 см схемада уруғлар 10 сентябрда экилганда уруғ ҳосилдорлиги 5,5 т/га ни ташкил этган бўлса худди шу схемада 10 октябрда уруғ ҳосилдорлиги 2,8 т/га ни ёки 10 сентябрдаги

муддатга нисбатан 50,9% ни ташкил этди. 70x35 см схемада экилганда 10 сентябрдаги муддатда уруғ ҳосилдорлиги 3,5 т/га ни ташкил этган бўлса худди шу схемада 10 октябрда экилганда уруғ ҳосилдорлиги 1,9 т/га ни ташкил этди. Бу 10 сентябрдаги муддатга нисбатан 54,3% ни ташкил этади.

Шундай қилиб уруғлик ўсимликларни кузги 10 сентябрда ва 70x20, 70x25 см схемаларда экилганда энг юқори уруғ ҳосилдорлиги олинди ва уруғ ҳосилдорлиги 4,5-5,5 т/га ни ташкил этди.

Уруғлик ўсимликларни 20 сентябрда экилганда ҳам уруғ ҳосилдорлиги шунга яқин бўлди (3-жадвал).

3-жадвал

Индаунинг турли экиш муддатлари ва схемаларидаги уруғ ҳосилдорлиги, т/га (2018-2020 й.й.)

Экиш схемалари, см	Экиш муддатлари							
	10.09		20.09		30.09		10.10	
	г/м ²	т/га						
70x20 см	550	5,5	450	4,5	293	2,9	279	2,8
70x25 см	451	4,5	389	3,9	240	2,4	229	2,3
70x30 см	422	4,2	344	3,4	241	2,4	218	2,2
70x35 см	351	3,5	305	3,0	213	2,1	192	1,9
ЭКФ ₀₅		1,2		0,8		0,6		0,7
Sx%		2,9		3,5		3,4		3,5

Тўртинчи бобнинг «Индау уруғчилик технологиясининг иқтисодий самарадорлиги» бўлимида уруғлик ўсимликларни мақбул экиш муддатлари ва схемаларининг иқтисодий самарадорлиги келтирилган. Баҳорги муддатда уруғлик учун экилган индаунинг энг юқори иқтисодий самарадорлиги 70x20 ва 70x30 см схемада экилганда олинди. Бунда соф даромад 40832,3-43382,3 минг сўм/га ни ва рентабеллик даражаси 131,0-133,0% ни ташкил этди.

Кузги экиш муддатларида энг юқори иқтисодий самарадорлик уруғлик ўсимликларни 10 ва 20 сентябрда 70x20 ва 70x25 см схемада экилганда кузатилди. 10 сентябрда 70x20 ва 70x25 см схемада экилганда соф даромад 52307,3-65057,3 минг сўм/га ни ва рентабеллик даражаси 138,8-144,8% ни ташкил этди. 20 сентябрда ҳам худди шу схемаларда соф фойда 44657,3-52307,3 минг сўм/ га ни ва рентабеллик даражаси 133,9-138,8% ни ташкил этди.

ХУЛОСАЛАР

1. Ўзбекистон шароитида биринчи марта индау нав намуналари баҳорги ва кузги муддатларда ҳар томонлама ўрганилган, истиқболли навлар ажратилган, мақбул экиш муддатлари ва схемалари ишлаб чиқилган.

2. Баҳорги экиш муддатида юқори ҳосилли, истиқболли Виктория, Сицилия, Рококо, Корсика, Римские каникулы навлари ажратилди ва уларнинг ҳосилдорлиги 2,6-3,1 кг/м² ни ташкил этди.

3. Индау ўсимлиги маҳсулдорлиги навга ва об-ҳаво шароитига қараб жуда ўзгарувчан бўлади. Хусусан, Виктория нави маҳсулдорлиги 2018 йилда 98,4 г ни, 2019 йилда 103,2 г ни, 2020 йилда са 124,6 г ни ташкил этди. Бу ўртача 3 йилликка нисбатан олганда мувофиқ равишда 90,5%, 94,9%, 114,6% ни ташкил этди.

4. Кузги муддатда энг юқори маҳсулдорлик Виктория (222,3 г/ўсимлик), Акропол (234,0 г/ўсимлик), Римские каникулы (203,6 г/ўсимлик), Аромат (195,8 г/ўсимлик) навларида кузатилди.

5. Индау экиннинг баҳорги энг мақбул экиш муддати 1 март, яъни биринчи муддат ҳисобланади. Ушбу экиш муддатида индау экини ҳосилдорлиги 3,3 кг/м² ни ташкил этди. Экиш муддати кечиккан сари ҳосилдорлик пасайиб борди.

6. Кузги биринчи муддатда, яъни 10 сентябрда экилганда индау ўсимлигининг ҳосилдорлиги 6 кг/м² ни ташкил этди. Кузги экиш муддатларида индаунинг кўк масса ҳосилдорлиги баҳорги муддатларга нисбатан жуда юқори бўлди. Кузги муддатларда баҳорги муддатларга нисбатан кўк масса ҳосилдорлиги 182,0-300,0% юқори бўлди.

7. Экиш схемалари индау ўсимлигининг ривожланиш даврларининг ва ўсув даврининг давомийлигига таъсир этмайди. Экиш схемалари баҳорда ҳам, кузда ҳам битта ўсимликдаги барг сони, баргнинг узунлиги ва эни каби кўрсаткичларга сезиларли даражада таъсир қилади. Баҳорда ҳам, кузда ҳам энг кўп барглар сони (50+20)х10 см экиш схемасида кузатилди ва мувофиқ равишда 44,5 ва 82,1 дона/ўсимликни ташкил этди.

8. Энг юқори кўк масса ҳосилдорлиги уруғларни баҳорда 1 март ва кузда 10 сентябрда (50+20):2х5 см схемада экилганда кузатилди ва у мувофиқ равишда 3,6 кг/м² ва 8,3 кг/м² ни ташкил этди.

9. Экиш муддатлари уруғлик ўсимликларнинг ривожланиш даврларининг ва ўсув даврининг давомийлигига таъсир этади. Баҳорги муддатда кўчатларнинг ёппасига униб чиқишидан уруғларнинг пишиб етилишигача 100 кун талаб этилди. Кузда 10 сентябрда экилганда ёппасига униб чиққандан уруғларнинг пишигача бўлган давр 242 кунни, 20 сентябрда - 234 кунни, 30 сентябрда – 225 кунни, 10 октябрда эса – 213 кунни ташкил этди.

10. Экиш схемалари ва муддатлари индау экиннинг уруғ ҳосилдорлигига сезиларли даражада таъсир этади. Энг юқори уруғ ҳосилдорлиги 10 сентябрда ва 70х20, 70х25 см схемада экилганда олинди. Бунда индау уруғ ҳосилдорлиги 4,5-5,5 т/га ни ташкил этди.

11. Индау етиштиришда ва юқори кўк масса ҳосили олиш учун уруғларни баҳорда 1 мартда ва кузда 10 сентябрда (50+20):2х10 см схемада экиш тавсия этилади. Индау уруғчилигини ташкил этишда эса уруғларни 10 сентябрда 70х20 см, 70х25 см схемада етиштириш тавсия этилади.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.05/30.09.2022.Qx.152.01 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ ПРИ НАУЧНО-ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКОМ
ИНСТИТУТЕ ОВОЩЕ-БАХЧЕВЫХ КУЛЬТУР И КАРТОФЕЛЯ**

**НАУЧНО ИССЛЕДОВАТЕЛЬСКИЙ ИНСТИТУТ
ОВОЩЕ-БАХЧЕВЫХ КУЛЬТУР И КАРТОФЕЛЯ**

МУКИМОВ БАХРИДДИН БАХТИЁРОВИЧ

**МОРФОБИОЛОГИЧЕСКИЕ ОСОБЕННОСТИ ИНДАУ (*ERUCA
SATIVA* MILL.) И ЕГО ИНТРОДУКЦИЯ В УСЛОВИЯХ
УЗБЕКИСТАНА**

06.01.06-Овощеводство

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО СЕЛЬСКОХОЗЯЙСТВЕННЫМ НАУКАМ**

Ташкент-2023

Тема диссертации доктора философии (PhD) по сельскохозяйственным наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии Узбекистана за номером В2022.2.PhD/Qx791.

Диссертация выполнена в Научно-исследовательском институте овоще-бахчевых культур и картофеля.

Автореферат диссертации на трех языках (узбекском, русском, английском (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.sabpkiti@iim.uz) и Информационно-ресурсном портале «ZiyoNet» (www.ziynet.uz)

Научный руководитель:

Арамов Музаффар Хошимович
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Официальные оппоненты:

Дусмуратова Саодат Исмаиловна
доктор сельскохозяйственных наук, профессор

Хуррамов Улугбек Холмаматович
Доктора философии (PhD) по
сельскохозяйственным наукам, доцент

Ведущая организация

Научно-исследовательский институт
генетических ресурсов растений

Защита диссертации состоится «__» ____ 2023 года в __ часов на заседании Научного совета PhD. 05/30.09.2022.Qx.152.01 при НИИ овоще-бахчевых культур и картофеля (Адрес: 111106, Ташкентская область, Ташкентский район, а/б Куксарой НИИОБКиК. Тел.: (+99878) 226-85-03; факс: (+99878) 226-85-03; e-mail: savzavot_info@umail.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре НИИ овоще-бахчевых культур и картофеля (зарегистрирована под номером __) (Адрес: 111106, Ташкентская область, Ташкентский район, п/о Куксарой НИИОБКиК. Тел.: (+99878) 226-85-03; факс:)

Автореферат диссертации разослан «__» ____ 2023 года
(Реестровая выписка № ____ от «__» _____ 2023 г.)

Р.А.Низомов

Председатель ученого совета по
присуждению ученой степени,
д.с.х.н., профессор

Ф.Ф.Расулов

Ученый секретарь ученого совета по
присуждению ученой степени,
д.ф.с.х.н.

А.Ж.Шокиров

Председатель научного семинара
при ученом совете по
присуждению ученой степени, д.с.х.н.

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В настоящее время во многих странах мира особое внимание уделяют выращиванию индау (*Eruca sativa* Mill.) как салатной и масличной культуре. В частности, в Российской Федерации, Италии, Франции, Германии, Израиле, США и Канаде его выращивают как салатное растение, а в Египте, Пакистане, Индии выращивают на больших площадях как масличное растение. В различных странах мира он имеет различное (эрука, рукола, ракета, agugula, gauke и др.). В частности, в Италии он известен как рукола и из него готовят около 200 видов различных салатов. Растение индау отличается также высокими питательными качествами и интродукция его в условиях Узбекистана является актуальной задачей.

В последние годы в развитых странах мира большое внимание уделяется выращиванию и экспорту так называемых «желто-зеленых» овощей, куда входит и индау. В этом направлении ведущее место занимает Великобритания, затем следует Италия, Франция, Испания, Германия и Португалия, Япония, Республика Корея. Многочисленными исследованиями доказано, что «желто-зеленые» овощи большую роль играют в повышении жизненного тонуса человека, повышают устойчивость организма к инфекционным заболеваниям. Это объясняется тем, что в их составе содержится в большом количестве провитамин А -каротин. Несмотря на то, что они относятся к различным семействам, они устойчивы к заморозкам, их можно выращивать на различных по составу почвах и их продукция поступает к потребителям во внесезонное время. Интродукция этой культуры позволяет обеспечивать население республики осенью, зимой и весной, когда особенно остро ощущается потребность в овощной продукции.

В нашей республике в последние годы проводится большая работа по обеспечению продовольственной безопасности, более полному беспечиванию населения овощной продукцией, диверсификации сельского хозяйства, более рациональному использованию водно-земельных ресурсов, повышению доходов дехканских и фермерских хозяйств путем экспортноориентированной продукции. В 30-цели третьего приоритетного направления Указа Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы»¹ отмечено «Увеличение доходов дехкан и фермеров как минимум в два раза за счет интенсивного развития сельского хозяйства на научной основе, обеспечение ежегодного роста объемов сельского хозяйства не менее чем на 5 процентов». В связи с этим важное значение имеет интродукция новых овощных культур, малораспространенных, но отличающихся питательной ценностью и целебными свойствами. К таким культурам относятся индау. В индау содержится много микро и макроэлементов,

¹ Указ Президента Республики Узбекистан № УП-60 от 28 января 2022 года «О стратегии развития Нового Узбекистана на 2022-2026 годы» <https://lex.uz/docs/5841063>

